

24

Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Хар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси VII боб. 29-модда.

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

47

(1157)
21-NOYABR

2014

www.xabar.uz
info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqq boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

"ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ"

IV МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

Шу йилнинг 19-20 ноябр кунлари "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасининг 2-павилонида "Ўзбекистон матбуоти" IV миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилди.

Мазкур кўргазма ахборот соҳасини эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни янада кенгроқ таништириш ҳамда миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил қилинди. Кўргазманинг очилиш маросимида истиқлол йилларида юртимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларни янада либераллаштиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланиб, мустақил тараққиёт йиллари барча жабҳалар қатори оммавий ахборот воситалари, матбаа, нашриёт соҳалари учун юксалиш даври бўлганлиги эътироф этилди.

2-бет



УШБУ СОНДА:

Сўнгги янгилик!

Nokia компанияси Android 5.0 Lollipop амалий тизимида ишловчи янги ишланмаси — Nokia N1 планшет компютери тақдимотини ўтказди.

Экран ўлчами 7,9 дюйм (2048x1536 нуқта), қалинлиги 6,9 мм., оғирлиги 300 граммга тенг бу қурилма сиртдан Apple iPad mini планшетига анчагина ўхшаш.

Nokia N1 2015 йили дастлаб Хитойда, кейинчалик бошқа мамлакатларда савдога чиқарилиши кутиляпти.



- ТАТУда ёш дастурчилар беллашдилар **3**
- Мобил сайёра **4**
- Тарихимиз гултожи **5**
- Новости в сфере ИКТ **6**
- Тошга ўйилган нақш **11**
- Фарзандларингиз учун ноутбук **13**

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan
Jumagacha

● Швейцария Конфедерацияси Президенти, ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Диде Буркхалтер 2014 йил 21 ноябр кuni мамлакатимизга ташриф буюради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашувда Ўзбекистон ва Швейцария муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, ЕХХТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

● 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўз сўзидан ва қурултойларини ўтказгани ҳамда уларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилгани қайд этилди. Матбуот анжуманида сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга ошириладиган сайловолди ташвиқоти бошлангани таъкидланди.

● Қашқадарёда "Сен билан бирга — "Қамолот" сари" шиори остида талаба-ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивал доирасида "Қамолот" ЕИХнинг йирик лойиҳаларида, жумладан, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати таркибида ўзини кўрсатган бир гуруҳ ёшларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

● Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларда ватанпарварлик, давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилган "Давлатимиз байроғи — ифтихоримиз" шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.

● Термизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани ривожлантириш йўлида яратилган имтиёз ва преференциялар мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилди.

◀ 1-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналарига бериладиган солиқ имтиёзи натижасида биргина Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарнинг ўзида жами 7,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди. Ёки бўлмаса, Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун туланидиган давлат божи ставкалари икки баробарга камайтирилди.

"Ўзбекистон матбуоти" IV миллий кўرғазмасида республикаимизнинг етакчи даврий босма нашрлари ва нашриётлар иштирок этиб, матбуот ва ахборот соҳасида эришилган ютуқларни намойиш қилишди. Жорий йилги кўрғазмада марказий ҳамда ҳудудлардаги ёшлар даврий нашрларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрғазма доирасида кўплаб нашриётларнинг босма маҳсулотларини, хусусан, "Соғлом бола йили Давлат дустури"га асосан нашр этилган болалар китобларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш мақсадида "Бола-



лар адабиёти", жумладан, ёшларнинг маънавий-маърифий камолотига хизмат қилувчи, илмий, илмий-оммабоп, ўқув ва ўқув-услубий китоблар кўрғазмаси ҳам ташкил этилди. Унда пойтахтда фаолият кўрсатаётган 20дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этишди. Нашриётлар томонидан янги китобларнинг тақдимотлари, уларнинг муаллифлари ҳамда таниқли шоир ва ёзувчилар билан турли учрашувлар ўтказилди.

Кўрғазма доирасида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаш-

тириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Журналистлар ижодий уюشمаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон матбуоти" IV миллий форуми ҳам ўтказилди. Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзахидов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий медиа соҳасини изчил раванқ топштириш, унинг жаҳон андозалари даражасида фаолият кўрсатиши учун кенг қўламли имконият ва шароитларни яратиш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид тизимли ислохотлар амалий натижалар бераётганини таъкидлашди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

Яқун ва режалар

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиалида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида филиални ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Хисобот даврида филиал бўйича почта хизматини кўрсатишдан 5163877,6 минг сўм даромад олинди, шундан 4939429,8 минг сўми соф даромаддир. Почта хизмати турларидан олинган даромадларнинг прогноз режага нисбатан, хат-хабарлар 100, жўнатмалар 122, пул жўнатмалари 129, даврий нашрлар обунаси 107, пенсия тўлови 99 фоизга бажарилган. Қарашина, Қарши, Косон почта алоқаси тармоқларида ишлар яхши ташкил этилмаганлиги таъкидланди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 7888694,0 минг сўмлик обуна расмийлаштирилган бўлиб, Қарашина, Қамашини, Косон, Янги Миришкор, Муборак, Янги Нишон ва Қарши почта алоқаси тармоқларида обуна қабул қилиш, даврий нашрларнинг чакана савдоси қониқарсиз ташкил этилганлиги тўғрисида сўз борди.


Йиғилишда иш сифати ва даромадларни ошириш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Қашқадарё филиалида шунингдек, навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилиш ҳам бўлиб ўтди. Қун тартибида қўрилган почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш, аҳолидан йиғиладиган коммунал тўловларни белгиланган тартибда расмийлаштириб бориш, пенсия ва нафақаларнинг ўз эгаларига бениқсон тўланиши, янги ишга қабул қилинадиган номзодларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ҳамда ходимларнинг сиёсий-ижтимоий билимларини ошириш масалалари юзасидан филиал директори Ориф Маҳмудов, "Ўзбекистон почтаси" АЖ бош директори ўринбосари, ПХХ бошлиғи Салим Ҳамроев, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Рустам Ҳайитов ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Қун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, вазифалар белгилаб олинди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Тошкент ахборот технологиялари университетида Middle Asia ACM ICPC - дастурлаш бўйича олий таълим муассасалари талабалари орасида жамоавий жаҳон чемпионатининг чорак финали ҳамда дастурлаш бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Бутунроссия 15-олимпиадасининг ярим финал босқичлари бўлиб ўтди.



ТАТУда ёш дастурчилар беллашдилар

Middle Asia — Шимол-шарқий Европа давлатлари олий таълим муассасаларининг талабалари иштирокидаги чорак финал мусобақаларида 68та жамоа иштирок этди. Мусобақанинг худудий босқичи Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур мусобақа сўнгги ўттиз йилдан буён ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилаётган халқаро нуфузли тadbир ҳисобланади. Анъанавий олий таълим муассасаларининг талабалари орасида жамоавий жаҳон чемпионати халқаро миқёсда ACM (Association for Computing Machinery) Ҳисоблаш машиналари халқаро ассоциацияси томонидан 1977 йилдан бошлаб дастурлаш бўйича малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ташкил қилиб келинмоқда ҳамда

қўллаб халқаро АКТ корпорациялари томонидан қўллаб-қувватланади.

Мусобақа шартларига кўра, уч нафар аъзодан иборат жамоа компютер ёрдамида беш соат мобайнида тақдим этилган масалаларнинг ечимини топишлари керак. Энг кўп масала ечимини топган жамоа ғолиб ҳисобланади ва таълоунинг ярим финалига йўлланмани қўлга киритиб, минтақанинг бошқа давлатларидан ғолибликни қўлга киритган жамоалар билан куч синашади. Жорий йилда мазкур халқаро мусобақанинг финал босқичи Марокаш давлати университетларида ташкил этилиши белгиланган.

Мусобақада Ўзбекистоннинг 20дан зиёд жамоалари юқори натижаларни қўлга киритишди. Қуйидаги жамоалар 6-7 декабр кунлари Тбилисида бўлиб ўтadиган ярим финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди:

- 1-ўрин: ТАТУ (Ҳожиев, Абдукаримов, Баратов)
- 2-ўрин: МДУнинг Тошкент

филиали (Солиев, Усмонов, Бистригова)

3-ўрин: ТАТУ (Самадов, Тошканов, Бозорбоев).

Шунингдек, ТАТУда ташкил этилган дастурлаш бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Бутунроссия 15-олимпиадасининг ярим финал мусобақаларида Ўзбекистон мактабларининг 40та жамоаси иштирок этди.

Мактаб ўқувчиларининг илмий фаолиятга жалб этиш, ахборот технологиялари соҳасига қизиқувчи иқтидорли ёшларни излаб топиш ва рағбатлантиришни мақсад қилган мазкур нуфузли мусобақа Россия Федерацияси таълим вазирлиги, Санкт-Петербург ахборот технологиялари, механика ва оптика давлат университети, Олтой давлат техника университети томонидан ўтказиб келинади.

Мусобақанинг финал босқичи жорий йилнинг 29-30 ноябр кунлари бир вақтнинг ўзида Санкт-Петербург, Барнаул, Тошкент, Олмаота ҳамда Батуми шаҳарларида бўлиб ўтиши белгиланган.

Мададкор

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "YOUTH BUSINESS GROUP" МЧЖ томонидан "Юрт тараққиётида ёш тadbirkorларнинг ўрни" мавзусида тақдирот ўтказилди. Tadbirда пойтахт касб-ҳунар коллежларида тахсил олаётган ёшлар иштирок этишди.

Ташкилот раҳбари Бобурбек Шокировнинг таъкидлашича, "YOUTH BUSINESS GROUP" МЧЖ лойиҳаси иқтидорли ёшларнинг уч йиллик меҳнатлари самараси бўлиб, ватанимиз тараққиётига ҳисса қўиши истаганида тенгдош тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, уларга маслаҳатлар, ҳуқуқий мадад бериш, бизнес режалар тузиш ҳамда лойиҳаларини илгари суришда ёрдам кўрсатиш сингари мақсадларга хизмат қилади.

"YOUTH BUSINESS GROUP" МЧЖ 41 нафар ёш мутахассисни бирлаштирган бўлиб, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт ва бизнес, халқаро инвестициялар, маркетинг, ахборот технологиялари, давлат ташкилотлари билан ишлаш, ташкилий-маънавий ва умумий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган.

Tadbirда ташкилот аъзолари тенгқурларини қизиқтирган қўллаб саволларга жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз

"Заковат"чилар баҳси

ТАТУда талабаларнинг ёш вақтларини мазмуни ўтказишлари ва интеллектуал билимларини ошириб беришлари учун мавжуд олтига факатет иқтидорли талабалари иштирокида 25та "Заковат" жамоаси ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар ойда икки марта ўзаро баҳслашиши яқини анъанага айланган.

"Заковат"чилар университет ректори Ҳ.Муҳитдинов ҳамда Маънавият ишлари бўлими ва "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан ҳар доим қўллаб-қувватлаб келинади, мусобақаларга ҳомийлик қилинади.

17 ноябр — Халқаро талабалар куни муносабати билан университетимизда "Заковат" клуби жамоалари иштирокида навбатдаги баҳс бўлиб ўтди. Унда университетимизнинг "Ёш иқтисодчилар", "КАФБ", "Идеал", "Пристиж", "Арсенал", "Адолат", "Биродарлар", "Юксалиш", "Телеком" каби жамоалари билан бирга, Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкент юридик университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети каби олийгоҳларнинг гуруҳлари, шунингдек, Тошкент шаҳар, Зангиота туманидаги 52-умумтаълим мактаби жамоалари ўзаро куч синашди.

Беллашувлар сарҳисоби бўйича энг кўп балл тўплаган иқтисод ва менежмент факултетининг "Ёш иқтисодчилар" жамоаси мулоқ ғолиб чиқиб, "Заковат" кубогини қўлга киритди. Кейинги ўринлар касбий таълим факултети кутубхона ахборот фаолиятини бошқариш йўналишининг "КАФБ" ва компютер инжиниринг факултетининг "Идеал" жамоалари билимдонларига nasib этди. Меҳмонлардан "Легион" ва "Экспрент" жамоалари эса энг фаол жамоалар деб топилди. Уларга фахрий ёрлик ҳамда дипломлар топширилди.

Йулчи РЎЗИЕВ,
ТАТУ "Заковат" клуби раҳбари

ЯГОНА ПОРТАЛДА ЭЛЕКТРОН АРИЗА

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан "Нафақа ва ёрдам пули миқдори ҳақида маълумотнома олиш учун электрон ариза юбориш" хизмати йўлга қўйилди.

Фуқаролар бундай маълумотномани олишлари учун онлайн аризани тўлдиришлари ва Ягона портал орқали бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига юборишлари кифоя. Ариза кўриб чиқилгач, фуқаролар тайёр маълумотномани олишлари учун 10 иш кунли мобайнида Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ёхуд қонуний вакилнинг вакилликни тасдиқловчи ҳужжат)ни кўрсатган ҳолда муурожаат этишлари керак. Ушбу хизматдан Ягона порталда рўйхатдан ўтган нафақа ва ёрдам пулини олувчи фуқаролар, шунингдек, уларнинг қонуний вакиллари фойдаланишлари мумкин.

Миллий кутубхона: ГАРБИЙ ЕВРОПАДАН УЗОҚ ШАРҚКАЧА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси музейида археологияга оид китоблар кўргазмаси очилди. Унда кутубхонанинг қўллама-қўлдан ва алоҳида қимматга эга бўлими фондида сақланаётган қадимий китоб ҳамда альбомлар, археология тарихига доир ҳужжатлар намойиш этилмоқда.

Эътиборли томони, ушбу китобларнинг аксарияти машҳур археолог, тарихчи, этнограф, шарқшунос олимлар муаллифлигида ёзилган. Кўргазмага қўйилган асарлар ҳамда тарихий суратлар археология соҳасининг ўзига хос ривожланиш босқичлари, соҳада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, кўргазмада Фарбий Европададан Узоқ Шарққа қадар ўрганилган археологик маълумотларга ҳам кенг ўрин берилган.

.tm ДОМЕНИГА ТАЛАБ КАТТА

Хитой Туркменистон миллий доменларига қизиқиш билдирмоқда.

Бугунги кунда домен ҳудудлари орасида энг қиммати Туркменистонга тегишли .tm зонасидир. Чунки "trademark" (савдо белгиси) атамасининг қисқартмаси сифатида .tm доменига талаб катта бўлиб, бизнес сайтлари учун қулайдир. Бундай имкониятларни ҳисобга олган хитойлик брокерлар .tm ҳудудидаги доменларни катта нархларда сотиб олмақда. Улар интернет манзилларини сотиш билан шуғулланиб, интернет-бизнесни шиддат билан ривожлантиришяпти.

Эслатиб ўтамиз, .com ва .sp ҳудудларида рўйхатдан ўтказиш нархлари мос равишда 48 юан (7,82 доллар) ва 38 юан (6,19 доллар), йиллик тўлов 99 юан (16,13 доллар) ва 38 юан бўлган бир пайтда, .tm ҳудудида рўйхатдан ўтказиш 1200 юан (195,56 доллар) ва йиллик тўлов 1800 юан (293,35 доллар)ни ташкил этади. Хитойлик ишбилармонлар бу борада бутун дунёни лол қолдиришяпти.

Xalqaro haqot



◆ **ИСПАНИЯ** парламенти депутатлари мамлакат ҳукуматига Фаластинни давлат сифатида тан олишни тавсия қилган ҳужжатни кўпчилик овози билан қабул қилди. Муҳолифатдаги Социалистлар партияси олдинроқ Фаластинни дарҳол тан олиш тўғрисида резолюция тайёрлаган эди. Бироқ бошқарувдаги Халқ партияси резолюцияни ҳозирги кўринишигача енгиллаштиришга муваффақ бўлган.

Эслатиб ўтамиз: аввалроқ, Буюк Британия ва Ирландия парламенти ҳам ўз ҳукуматларига Фаластинни давлат сифатида тан олишни тавсия қилган эди. Франция парламенти эса бу масалани яқин орада овозга қўймоқчи. Швеция Фаластинни давлат сифатида узил-кесил тан олган бўлса, Финландия бу борадаги истагини билдирган.

◆ **СЕРРА-ЛЕОНЕ**да Эбола безгагидан Майкл Карго исми шифокор вафот этди, у мамлакатда ушбу вирус туфайли кўз юмган еттинчи тиббиёт ходими бўлди.

◆ **ЛОНДОН**даги Иқтисодиёт ва тинчлик институти (Institute for Economics and Peace) эълон қилган "Глобал терроризм индекси"да келтириб ўтилган маълумотга кўра, 2013 йилда дунё бўйлаб қарийб ўн мингта террорчилик ҳужумлари қайд этилган, бу 2012 йилдагидан 44 фолга кўпроқдир.

Тадқиқотда айтилишича, ўтган йилги терактлар оқибатида қарийб 18 минг киши ҳаётдан кўз юмган, биргина Ироқнинг ўзида олти мингдан ортиқ киши террорчилик қурбони бўлган. Энг кўп терактлар содир этилган мамлакатлар бешлигига Афғонистон, Покистон, Нигерия ва Сурия ҳам киритилган.

◆ **БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ**нинг Дубай шаҳрида илк трамвай хизмати ишга туширилди. Ҳаво кондиционерлари билан жиҳозланган, премиум классдаги ушбу трамвай линияси умумий узунлиги 10,6 километри ташкил этади ва ҳозирда 11та замонавий бекаат барпо этилган. Расмийларнинг таъкидлашича, трамвай йўлларини келгусида янада узайтириш режалаштирилган.

Сўнгги йилларда Дубай шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш учун қатор тadbирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ҳайдовчисиз бошқариладиган замонавий метро, шунингдек, монорельс поездлар шаҳар аҳолиси ва сайёҳлар учун қатор қулайликлар яратмоқда.

◆ **РОССИЯ** ҳукумати қурол учун лицензия олган шахсларга ўзини ўзи мудофаа қилиш мақсадида қуролни ёнида олиб юришга рухсат берди. Авваллари амалда бўлган тартибга асосан, Россия фуқаролари отиш бўйича мусобақа ёки машғулотга ва овга кетаётганларида ўз ёнларида қурол олиб кетишлари мумкин эди. Янги қарорга асосан, "Россия ҳудудида фуқаролик ва хизмат қуроли ва унинг патронларидан фойдаланиш қондалари"га ўзгартириш киритилди ва унга "ўзини мудофаа қилиш мақсадида" ҳам ёнида қурол олиб юриш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Россия қонунчилигига асосан, узун стволли ўқотар қурол, яқин масофадаги нишонни йўқ қилувчи травматик газ ва ёрқин нур таратувчи-овозли ўқотар қуроллар ўзини мудофаа қилиш қуроллари сирасига киради.

ШАҲАРЛАРГА IT-ЕТУКЛИК ШАҲОДАТИ

Ericsson компанияси 2014 йил учун Networked Society City Index рейтингини эълон қилди. Мазкур мезонда ахборот технологияларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлланилиши, шунингдек, атроф-муҳитга таъсири нуқтан назаридан жаҳондаги энг технологик 40та мегаполисининг етуклик даражаси аксини топган. Швеция пойтахти Стокгольм бу жабҳада энг етуқ дег эътироф этилди.

Тадқиқот чоғида ахборот технологиялари қамрови ҳозирча паст даражадаги шаҳарлар технологик ривожланган шаҳарлар билан ўртадаги тафовутни тез қисқартираётгани маълум бўлди. Кейинги икки-уч йил ичида бу рўйхат жиддий ўзгаришларга учраши ҳам эҳтимолдан холи эмас.


Айни пайтда рейтинг етакчилари ўша-ўша: Стокгольм, Лондон, Париж, Сингапур ҳамда Копенгаген. Бу йилги ўзгаришлар: Париж Сингапурдан учинчи ўринни тортиб олди, рейтингта янги тўққизта шаҳар киритилди — Берлин, Мюнхен, Барселона, Афина, Рим, Варшава, Маскат, Абу-Даби ва Дубай.

Янги ҳисоботда шаҳарлар технологик тараққиётининг асосий тенденциялари ҳам келтирилган:

● **Ақли шаҳарликлар:** тараққиёт даражаси энди кўпроқ муассаса ва идораларга эмас, балки одамларнинг ўзларига боғлиқ бўлади — айнан уларнинг фаолликлари боис янгидан-янги жамоатчилик сервислари ва ташаббуслари юзга келади.

● **Янги ички маҳсулотни қайта кўриб чиқиш:** АКТ-ечимлар иқтисодиёт соҳаларида ҳамкорликка йўл очади ва кам ресурс сарфлаб юқори самарадорликка эришиш имконияти юзга келади. Бу ўз-ўзидан асосий омилларни кўриб ЯИМни ҳисоблаш тизимини жиддий тахрир қилиш заруратини келтириб чиқаради.

● **Ҳамкорликнинг таъсири:** ҳамкорлик компаниялар бизнес фаолияти универсаллигини оширади. Бир пайтнинг ўзида шаҳар бошқарув тизими ўзгаришга учраб, бошқарув механизмлари ва қонунчилигида ҳам ўзгариш ясади.



Мобил сайёра

Сайёраизмнинг 90 фоиз аҳолиси 2020 йилга бориб шахсий мобил телефонига эга бўлади. Ericsson Mobility Report маълумот келтиришича, 2014 йил якунига қадар жами мобил улашишлар сони 7,1 млрд.ни ташкил этиб, бунда мобил кенг полсалари улашишлар 2,9 млрд.га етади. 2014 йил III чорагида энг юқори ўсиш Ҳиндистон (18 млн.) ва Хитой (12 млн.)да кузатилди.

Эътиборли жиҳати, 2020 йили мобил алоқа соҳасида етакчилик GSM стандартидан WCDMA/HSPA стандартига ўтади — 4,4 млрд. фойдаланувчи. LTE-тармоқларидан фойдаланувчилар сони бу пайтга бориб 3,5 млрд.га етади.

Трафикларнинг ўсишини асосан смартфонлар таъминлайди. Жорий йилда ойига смартфонлар орқали ўтаётган трафик ўртача 2,2 эксабайтни ташкил этди, олти йилдан сўнг бу кўрсаткич ойига 17 эксабайтдан ошади. Ҳозир бир киши ойига ўртача 900 мегабайт трафик ишлатаётган бўлса, олти йилдан сўнг унинг мобил трафик сарфи бир ойда 3,5 гигабайтгачани ташкил этади.

REYTING* (ТОП-5) ПЛАНШЕТ-КОМПЮТЕРЛАР

Strategy Analytics маълумот беришича, 2014 йилнинг июл-сентябр ойларида жаҳон бозорига 55,2 млн. дона планшет чиқарилган. Қурилмалар орасида Apple (22,3 фойз), уларнинг амалий тизимлари ўртасида Android (72 фойз) етакчилиги қилмоқда.

Ўрин	Компания	Мил. дона	Ўзуни (%)	Ўзгариш (2013-2014 й.й.)
1	Apple	12,3	13	-13%
2	Samsung	9,7	8	-8%
3	Asus	3	3,6	-30%
4	Lenovo	2,98	5,4	+30%
5	Acer	1,3	2,3	+5%
	ЖАМИ	55,2	100	+6%

QISQA SATRLARDA

◆ **Microsoft** компанияси бозор қиймати бўйича жаҳондаги иккинчи йirik компанияга айланган.

Ижобий маънавий кўрсаткичлари сабаб Microsoft капитализациясини 408,9 млрд. долларга етказиб ExxonMobilни ортда қолдирди. Ўз навбатида, жаҳон бозорига нефть нархининг тушиб кетиши энергетика компанияси акциялари қийматида салбий таъсирини кўрсатди ва унинг акциялари умумий баҳоси 400,8 млрд. долларни ташкил этди.

Жаҳоннинг энг қimmat компанияси мақоми эса ҳамон Apple корпорациясига тегишли — ахборот технологиялари гиганти акцияларини сотиб олиш учун 669,94 млрд. доллар зарур бўлади.

◆ **ESET** антивирус компанияси мутахассислари ўн йилдан бери хуффия иш юритаётган Sednit хакерлар гўдасини фoш этишди. Гуруҳ Шарқий Европадаги ҳукумат муассасаларининг ҳимояланган корпоратив тармоқларига мунтазам ҳужумлар уюштириб келган.

◆ **Yahoo!** акциядорлари Ақл раҳбари Тим Армстронгга компанияларни бирлаштириш имкониятларини кўриб чиқиш таклифи билан чиқишди. Интернет-компаниянинг ҳозирги фаолияти айрим акциядорларга маъқул келмапти, хусусан, уларнинг фикрича, Alibaba Group ва Yahoo Japan компанияларини алоҳида холдинглarga ажратиб зарур.

Ҳозир Yahoo!нинг бозор қиймати 47 млрд. долларга тенг, ҳолбуки, компаниянинг Alibabaдаги улушининг ўзи 44 млрд. доллардан ошади. Ақлни капиталлаштириш даражаси эса 3,6 млрд.

С.ТЕМИРОВ тайёрлади

8 декабр – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ТАРИХИМИЗ ГУЛТОЖИ

Ҳайда шундай муҳим воқеа-ҳодисалар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтиши билан янада ортиб, қадри юксалиб бораверади. 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган Конституциямиз ҳам мустақил давлатимиз тарихида буюк воқеа бўлди.

Конституциямиз БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига асосланган. Шунингдек, уни яратишда турли ривожланган мамлакатларнинг конституциявий тажрибасидан фойдаланилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ҳамда 128 моддадан иборат бўлиб, Конституциянинг мақсад, принцип ва асосий қоидалари муқаддимада намоён этилган. Муқаддимани синчиклаб ўқиб чиқар эканмиз, Конституциямиз ҳақиқатан ҳам умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг юксак ғояларга хизмат қилишига амин бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, бурчлари аниқ-равшан ифода этилган. Унда ҳурфикрлик, виждон ва диний эътиқод эркинлиги масалаларига ҳам катта эътибор қаратилган. Бу эса мамлакатимизда шаклланган урф-одатларга, халқимизнинг теран маънавий анъаналарига батамом мос келади, албатта.

Конституциямизнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва фаолият тартиби ваколатларни тақсимлаш тамойили асосида амалга оширилади.

Асосий қонунимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу консти-

туциявий қоида олдимизга миллий истиқлол мафқурасини яратиш вазифини қўяди. Миллий истиқлол мафқураси эса халқимизнинг азалий анъаналарига, удуларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини дилмизга жойлайди. Биз, талабалар миллий истиқлол ғояларини тўлиқ ўрганишга ва амал қилишга ҳаракат қиламиз. Бу ғоя бизни келажакка ишонч билан боқишга, отабобларимиз бошлаган бунёдкорлик ишларининг муносиб давомчилиги бўлишга, юртимизни илгор мамлакатлар қаторига олиб чиқишдек муқаддас ишга салмоқли ҳисса қўшишга ундайди.

Республикаимизда Конституциямизга тўлиқ амал қилинар экан, барча фуқаролар каби биз ёшлар ҳам яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб, билим ва салоҳиятимизни ошираверамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун эса ҳамма вақт мустақил юртимиз тарихининг гултожи бўлиб қолаверади.

Ваҳобжон МАЛИКОВ,
ЎзМУ журналистика факултети 4-босқич талабаси



Хозир туманимизда тармоғимизга қарашли 18та алоқа бўлими бўлса, бу жамоаларнинг асосий қисми замонавийлашган биноларда ишлашмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари тезроқ ва сифатли меҳнатни таъминлаётти. Электрон почта алмашувлар вақтдан унумли фойдаланишда муҳим аҳамият касб этмоқда. "Сурхон", "Занл", "Оққўрғон", Какайди ҳамда Исмоилтепа алоқа бўлимлари бу борада энг яхши натижаларга эришмоқда. Бу бўлимлар яратилган шарт-шароитлардан илҳомланиб, ўз ҳудудларида қўшимча хизмат

турларини ҳам кўпайтиришяпти. Шу сабабли фуқароларнинг узоғи яқин, юки енгил бўлмоқда. Туман почта алоқаси тармоғи ходимлари иштирокида маҳаллаларга чиқиб, ижтимоий сўрономалар ўтказдик. Кўпчилик, айниқса, пенсионерлар юз бераётган туб ўзгаришларга алоҳида муносабат билдиришди. Ўз навбатида, дилдан айтилган танқидий-тахлилий фикрларни келгуси фаолиятимиз учун сабоқ чиқариш асоси деб қабул қилдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир", дейилган. Почта алоқаси тармоғимизда ушбу ҳаётбахш қоидага қатъий амал қилиб келинапти. Хусусан, кейинги икки йил мобайнида жамоамиз ҳақиқий маънода "яшарди" десам,

асло муболага бўлмайд.

ТАТУда бакалаврлик, Тошкент молия институтида магистрлик ихтисослигини эгаллаб қайтганидан сўнг "Ўзбекистон почтаси" АЖ Сурхондарё филиали тавсияси билан Жарқўрғон почта алоқаси тармоғига раҳбар этиб юборилган, ёш мутахассис Жўрабек Раҳмонов ўринбосарликка тайинланди. Кўп ўтмай жамоамиздаги ТАТУни битирган мутахассис кадрлар сафига ҳамдам Бойқулов ҳам келиб қўшилди. Шу билан бирга, Жарқўрғон ахборот технологиялари ҳамда Какайди транспорт ва алоқа касб-хунар коллежлари битирувчиларига сафимиздан ўрин бердик. Бир сўз билан айтганда, улар Асосий қонунимизда кўзда тутилганидек, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Ҳозир кадрлар билан ишлаш бобида чинакамига "яшарган" жамоамиз билан эл-юрт манфати учун хизмат қиляпмиз. Мақсад йўлида "Минор" алоқа бўлими хабарчиси Турғунбой Алимназаров каби тажрибали ходимларимиз "мактаби"дан ўрнак олишга интиляпмиз.

Албатта, меҳнатни севган киши вақти-вақти билан дам олишни ҳам билиш керак. Шу маънода жорий Соғлом бола йилдан эътиборан, ҳафтанинг ҳар шанбасини жамоамиз учун Спорт куни деб белгиладик. Машғулотлар шартномавий ҳамкоримиз — "Жарқўрғоннефт" акциядорлик жамиятининг суъбий қолламали ўйингоҳида ўтказилмоқда. Жарқўрғон телекоммуникациялар боғламаси ходимлари билан беллашувлар жисмоний чиникиш ва маҳоратни ошириш борасида ижобий рол ўйнамоқда.

Умуман олганда, 2014 йилни ҳар томонлама намунали яқунлашни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз.

Дилмурод ШОМИРЗАЕВ,
Жарқўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1 боб, 5-модда.

Гурур ва ифтихоримиз рамзи

Келажак буюк давлат барпо этиш ғояси мустақиллигимизнинг мак қунларидеёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларидан ҳам ўз ифодасини топган. 1991 йил 18 ноябрда қўлга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасида давлат байроғи мамлакат суверенитетининг рамзларидан биридир, дея қайд этилган.



Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлиб, миллатимизнинг буюк ўтмишини, халқимизнинг юксак маънавий қиёфасини ифода этади. Бинобарин, Юртбошимизнинг давлатимиз рамзлари халқимиз гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мутассамлаштиради, мана шу рамз-

ларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир, деган сўзларидан ҳам бунга англаш мумкин.

Айни пайтда байроғимизни ҳамюртларимиз иштирок этаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тadbирлар ва спорт мусобақаларида кўриш ҳар

биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди. Шу муносабат билан 2014 йил 14 ноябр куни А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Гурур ва ифтихоримиз рамзи" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни АКМ директори ўринбосари Ш.Бақоева очиб берди.

Тадбирда Навоий маданият ва санъат коллежи ҳамда 11, 12-мактаб ўқувчилари иштирок этилди. Тадбир савол-жавоб тарзида қизиқарли ва мароқли ўтди.

Маърифат САФАРОВА,
АКМ ҳуқуқий-ахборот сектори мудири

Специалисты Центра UZINFOCOM принимают непосредственное участие в разработке нормативно-правовой базы в сфере информационно-коммуникационных технологий. И отдел совершенствования нормативной базы занимается непосредственно координацией данного направления, помогая в разработке нормативных документов, гармонизации с требованиями международных стандартов, во внесении изменений в действующие стандарты или их отмене. В своей деятельности мы тесно взаимодействуем с Базовой организацией по стандартизации Госком-СМТТ. Благодаря советам экспертов нам удается создавать необходимые и актуальные нормативные документы, регламентирующие бурное развитие ИКТ в Узбекистане.

ОТДЕЛ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

нормативной базы Центра UZINFOCOM —
впервые открыт для ознакомления

К настоящему времени Центром разработано 18 положений, 3 рекомендации, 15 руководящих документов и 2 правила в сфере компьютеризации и развития ИКТ, 15 государственных стандартов, а также проведено 7 научно-исследовательских работ. Все разработанные документы утверждены и введены в действие.

Среди вышеперечисленных нормативных документах были разработаны такие государственные стандарты, как O'z DSt 1135:2007 "Информационные технологии. Требования к базам данных и обмену информацией между органами государственного управления и государственной власти на местах", O'z DSt ISO/IEC 13335-1:2004 "Информационные технологии. Руководство по управлению ИТ безопасностью. Концепции и модели для управления безопасностью информационных и телекоммуникационных технологий", а также руководящие документы, как RH 45-170:2004 "Основные технические требования по созданию локальных и корпоративных ведомственных компьютерных сетей" и положения

N 117:2005 "Положение о порядке пользования доменными именами национального сегмента сети Интернет", N 118:2005 "Положение о порядке пользования адресным пространством национального сегмента сети Интернет", которые были разработаны на основании ПП-117 от 08.07.05 г. и т.п.

В основном, Центром UZINFOCOM разработаны нормативные документы по направлениям регулирующих:

- формирование и развитие государственных информационных ресурсов и информационных систем государственных органов, а также интерактивных государственных услуг (24 ед.);

- развитие домена в зоне UZ (5 ед.);

- информационную безопасность (16 ед.);

- формирование электронной цифровой подписи, создание локальных и корпоративных сетей и др. (7 ед.).

Кроме этого, Центром разработаны 6 нормативных документов, регулирующих деятельность ресурсного центра сети ZiyuNET, в число которых входит "Порядок предоставления услуг по регистрации доменных имен, электронной почте, хранения и поддержки информационных ресурсов на технической площадке ресурсного центра сети ZiyuNET", "Положение о порядке взаимодействия Центра мониторинга в сфере массовых коммуникаций и Ресурсного центра сети ZiyuNET".

Основными пользователями наших разработок являются специалисты отрасли, которые непосредственно руководствуются в своей деятельности документами.



Документы, разрабатываемые предприятиями нашей отрасли, хранятся в Базовой организации по стандартизации. Те в свою очередь синхронизируют их с Автоматизированной системой "Банк данных нормативных документов сферы связи и информатизации", которой могут пользоваться все госорганы, образовательные учреждения и любые желающие.

Данная система очень удобна в использовании, документы распределены по классификаторам и видам. Очень удобна система навигации и поиска. Я сама с удовольствием ею пользуюсь и предлагаю ее нашим сотрудникам.

В число категорий системы входят:

- Общие положения. Терминология. Стандартизация. Документация

- Социология. Услуги. Организация фирм управление ими. Администрация. Транспорт

- Охрана окружающей среды. Защита человека от воздействия окружающей среды. Безопасность

- Метрология и измерения. Физические явления

- Испытания

- Электротехника

- Электроника

- Электросвязь

- Информационные технологии. Контрорское оборудование

- Строительные материалы и строительство.

Документы ДСП (для служебного пользования) не находятся в этой системе. Документы, относящиеся к данной категории, находятся в бумажном банке нормативных документов Базовой организации по стандартизации, к ним можно получить доступ с письмом от имени руководителя.

На мой взгляд в недалеком будущем, при реализации всех грандиозных планов по разработке оригинальных систем (имеется в виду концепция Open Data), все документы будут в одном хранилище, в одной информационной системе.

Дильдора АКРАМОВА,
руководитель отдела совершенствования
нормативной базы Центра UZINFOCOM

КОРОТКО...

■ Yahoo станет домашней поисковой системой в браузере Mozilla Firefox. Нововведение начнет действовать с декабря 2014 года. Firefox перейдет на Yahoo после очередного обновления.

Нововведение первыми станет доступно жителям США. Сейчас в браузере по умолчанию домашней поисковой системой является Google.

■ Компания Kell представила два монитора формата 4K, которые должны дать пользователям высокое качество по умеренной стоимости. Модель P2415Q с диагональю 23,8 дюйма и 27-дюймовая P2715Q основаны на IPS-панелях и обладают рекомендованной розничной стоимостью \$600 и \$700.

Технические характеристики двух моделей почти одинаковые. Заводскими настройками задано sRGB 99%, параметр delta-E менее 3. Поддерживается 1,07 млрд. цветов, хотя панели 8-битные, а не 10-битные.

■ Инвестиции компании Samsung Electronics на исследования и развитие могут стать рекордно высокими в этом году в поисках новых деловых возможностей.

"Предполагаемые расходы Samsung на проекты исследований и развития составят рекордные 15 триллионов вон в этом году", сказал представитель компании. В 2013 году такие инвестиции составили 14,8 триллиона вон. Только за первые девять месяцев этого года компания израсходовала на проекты исследований и развития 11,41 триллиона вон, на 5,3 процента больше, чем годом ранее.

■ Тема планшетов для геймеров волнует не только инженеров NVKIA. В полку конкурентов Shield Tablet прибыло. Romos представила широкую публиче "таблетку" под названием i9s.

Гаджет, как легко догадаться, предназначен для любителей поиграть. По этому характеристки у него соответствующие — высокие. Более того: в комплекте идет фирменный беспроводной контроллер, подключаемый с помощью Bluetooth.

■ 20 ноября 1985 год. Компания Microsoft выпустила операционную систему Windows 1.0.

О выпуске Windows объявили в 1983 году, однако разработка забрала больше времени, чем ожидалось. Целых 2 года понадобилось компании Билла Гейтса, чтобы наконец выпустить первую партию 16-битного программного обеспечения.

До выпуска операционная система носила название Interface Manager. Среди встроенных программ: Paint, Блокнот, Калькулятор. Под управлением Windows работает около 91% персональных компьютеров.




За жизнь отца — своей пожертвовать будь рад
И голову сложить за материнский взгляд.

Ты солнцем и луной родителей зови —
И будешь озарен сияньем их любви.

Алишер НАВОИ

Хабарлар + TV




5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Сайлов - 2014", Теледебат.
7.50 "Карим", М/ф.
8.00 "Тадқиқотинома"
8.40 "Кўб ҳукмдори", Х/ф.
9.30 "Кўнгил ободини"
9.50 "Ногирлар маслкади"
10.00 "Елгиш қабулгара қайтиш", Т/с.
10.45 "Кўндуз амазинги ҳижолатлари", М/с.
11.00 "Азборот"
11.10 "Ватанпарвар"
11.55 "Иқлим"
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мени ва 3", Т/с.
13.25 "Ўзбек амалий санъати"
13.40 "Қишлоқ ҳаёти"
14.00 "Дар"
14.15 "Энг студияси: Ўзтўқод мустақамлиги йўлида"
14.35 Миллияд сериал: "Фидойилар".
15.05 "Бизимдир". Интеллектуал талов.
15.55 "Иқлим"
16.00 "Тўғин ой қиссаси", Б/ф.
17.00 "Азборот"
18.00 "Кўнгил қўнқ истади"
18.10 "Қайб гавҳари"
18.40 "Доктор Хаус", Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Азборот" /рус/.
20.05 Миллияд сериал: "Опа-синийлар", 2-Фазла.
21.00 "Азборот"
21.40 "Муносабат"
22.00 "Кўнгил қўнқ истади"
22.30 - 00.05 "Ғаройиб мерос", Б/ф.
00.05 "Агролом"
01.25 Миллияд сериал: "Опа-синийлар".
1.00 "Азборот" /рус/.
1.30 Миллияд сериал: "Фидойилар".
1.50 "Иқлим".
2.05 Телеатр: "Қалқил ўйин". 1-қисм.
2.45 "Ўзбек амалий санъати".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Азборот".
4.40 Миллияд сериал: "Мерос".
5.10 "Қорачиқ".
5.30 "Иқлим".
5.35 - 5.55 "Қишлоқ ҳаёти".



6.00 "Ватан михри".
6.30 "Таранум"
6.50 "Муълитпирвона"
7.20 "Болалар влҳоми"
7.30 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига: "Келажак полковлари".
7.40 "Ёшлик наволари".
8.00 "Қанизак Йазура", Т/с.
8.50 "Миллий мерос".
9.00 "Фил ва маллика", Т/с.
9.50 "UzEX".
10.00 "Қамолот-инфо".
10.10 "Барон Мюнхгаузен", Б/ф. 1-қисм.
11.10 "Ўзбек адабиёти".
12.10 "Совга", Б/ф.
12.50 "UzEX".
13.00 "Дар".
13.10 "Доктор Қуни", Т/с.
14.00 "Қамолот - сенинг ҳаракатин"
14.50 "Муъжизавий дунё".
15.00 "UzEX".
16.00 "Дар".
16.00 "Антонярула".
16.20 "Қамолот-инфо".
16.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига: "Конституция дарси".

ДУШАНБА — 24 НОЯБР

16.50 "Салом-Намаст", Б/ф.
18.50 "Телехўра".
19.00 "Дар".
19.30 "Тоғтиг шўаринг", Т/с.
20.30 "Сайлов демократия кузғуси".
20.50 "Ёшлик наволари".
21.10 "Ўзбек остида", Т/с.
22.00 "Дар".
22.30 "Ўзбек адабиёти".
22.50 "Қаптайт Хориблауэр", Б/ф. 5-қисм.
00.30 "Жаҳон мусикаси".
1.20 "Муъжизавий дунё".
2.10 "Таранум".
2.50 "Ҳамат, ака!".
3.40 "Биз қамолот".
3.50 "Қанизак Йазура", Т/с.
4.30 "Қамолот-инфо".
4.40 "Доктор Қуни", Т/с.
5.30-6.00 "Дар".



5.55 "Японсан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00 "Ўзбек амалий санъати".
6.25 Миллияд сериал: "Ҳаёт пиллаволари".
7.00 "Тоғтиг вақти".
7.50 "Соз селди".
7.55 "Бизнинг дўхтари".
8.20 "Ишга марҳамат".
8.25 Тоғтиг тароналари.
8.35 "Пойтахт-инфо".
8.45 "Қонун дорисраси".
9.05 "Алғеза", Т/с.
9.50 "Рўхта-инфо".
10.00, 14.00, 22.00 "Пойтахт".
10.20 "Один плокс олам", Б/ф.
12.10 "Пресная вода", Х/ф.
13.00 "Тоғтиг вақти".
13.50 "Рўхта-инфо".
14.10 "Всё о туризме".
14.40 "Холис назар".
15.00 "Рўхта-инфо".
15.10 "Увай она", Т/с.
16.10 "Ибоб", Б/ф.
17.40 "Фан ва таракқиёт".
18.25 "Рақсинг сехри олами".
18.35 "Рўхта-инфо".
18.45 "Алғеза", Т/с. /Премьера/.
19.30 Тоғтиг тароналари.
19.40 "Дале маркет".
19.50 "Бизнинг дўхтари".
19.55 "Навоий маҳзани".
20.00 "Рўхта-инфо".
20.20 "Ишга марҳамат".
20.25 "Увай она", Т/с. /Премьера/.
21.15 "Пойтахт-инфо".
21.35 "Рўхта-инфо".
21.45 "Дале маркет".
21.55 "Пойтахт-шаҳарлар".
22.20 "Виртуалс", Б/ф.
23.50 "Рўхта-Ин-тех".
00.05 "Всё о туризме".
00.35 "Пойтахт-инфо".
1.00 "Рўхта-инфо".
1.10 "Пресная вода", Х/ф.
2.20 "Ноғинг Хилл", Б/ф.
4.00 "Тоғтиг вақти".
8.50 "Дунё" теледастури.
5.40 "Мисли гавҳар".




6.00 "Хайри тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Маҳорат мактаби".
6.30 Тонгги гимнастика.
6.40 "Матонг".
7.00 "SPORT-EXPRESS".
8.00 ХАБАРЛАР.
8.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
10.20 "Sport rekordlari".
10.25 "Орузлар кемаси".
11.00 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати.

11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS".
13.00 "Спорт сайёраси".
13.20 "Шошуплага йўл".
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 "Sport englishyediya".
14.20 "Техно-спорт".
14.30 АНОНС.
14.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
14.50 АНОНС.
16.25 Теннис АТР/ВТА турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 "Техно-спорт".
19.05 Оғир атлетика. Оснэ кубоги.
20.30 АНОНС.
20.35 Профессионал бокс.
21.25 "СПОРТ-АРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.55 ИНТЕРФУТБОЛ.
23.40 АНОНС.
23.45 "Энгилмавлар". Хужжатли фильм.
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Фигурали учуш. Гран при турнири.
2.25 Кёрлинг. Европа чемпионати.
4.15 АНОНС.
4.20 - 5.50 Теннис АТР/ВТА турнири.

04.00 "Доброе утро"
07.00, 08.00, 11.00, 17.00, 23.50, 02.00, 04.00 НОВОСТИ.
07.05 "Поле чудес".
08.10 Контрольная закупка.
08.35 "Жить здорово!"
09.35 Молний приговор.
10.30 Фазенда.
11.15 "Сегодня вечером".
13.05 Смак.
13.40, 14.20 "Время покажет".
15.05, 02.40 "Мужское/Женское".
16.10, 01.50, 02.05 "Наедине со всеми".
18.00, 00.50 "Давай поженимся!"
19.00 "Путь домой".
20.00 "Время".
20.30 Т/с "Соблазн".
22.20 "Вечерний Ургант".
22.50 "Познер".
00.05 Т/с "Умник".

РОССИЯ 1


05.00 "Утро России".
09.00, 03.30 "Найти и обезвредить. Кроны".
09.55 Ток-шоу "О самом главном".
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с "Тайна следствия".
12.55 "Собойл случай".
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с "Сердце звезды".
16.00 Т/с "Пока станица спит".
17.30 Т/с "Камелия".
18.30 "Прямой эфир".
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".
21.30 Т/с "Екатерина".
23.30 "Заговор против женщин".
00.35 Т/с "Узлы жизни райбитых фонарей".
04.30 "Комната смеха".




05.00 "НТВ утром".
07.20 Прокурорская проверка.
08.35, 09.20 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.
10.55, 12.30 Суд присяжных.
13.45 Обзор. Чрезвычайное происшествие.
14.25, 15.30 Т/с "Лесник".
17.00 Говорим и показываем.
19.00, 22.00 Т/с "Литерный".
21.00 Анатомия для.
00.55 ДНК.
01.55 Диний мир.
02.05 Т/с "Тониче".
04.00 Т/с "Супруги".

РОССИЯ К

07.00 "Евроныс".
10.00, 15.00, 19.00, 23.15 Новости культуры.
10.15, 01.40 "Наблюдатель".
11.15 Т/с "Расследования комиссара Мегры".
12.05 Д/ф "Листья на ветру. Константин Сомов".
12.45 Х/ф "Смерть зовется Энгельс".
13.10 "Царь Петр и Алексей".
Спектакль.
17.45 Творческий вечер Виктора Коршунова в Малом театре.
18.40, 01.25 Д/ф "Ассени. Земля святая".
19.15 Главная роль.
19.30 "Сати. Несукая классика...".
20.10 "Правильная жизнь".
20.40 "Спокойной ночи, малыши!".
20.50 "Встреча на вершине".
21.20 "Тем временем".
22.05, 23.35 Д/ф "Моя родня".
00.15 "Берлин - город исторической памяти".
00.55 А Шинтикэ. Концерт для аллага с оркестром.
02.35 Про мтегия. "Людтея Демарэ".



04.00 Мультиатр.
06.00 21.35 23.30 01.15 "6 калдор".
07.30 "Воронины".
08.30 19.00 "Молодёжка".
09.30 "Повелитель стихий".
11.30 "Воронины".
13.30 "Любит - не любит".
14.00 "Восьмидесятые".
13.45 "Қуш бириванга".
14.15 "Энтроф".
14.25 "Sport ensiklopediya".
14.30 Теннис АТР/ВТА турнири.
15.50 "Эстафета".
16.15 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орулар қозимас".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 АНОНС.
19.05 Физурали учини. Гран при турнири.
20.15 Диво. Гран-при турнири.
21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 АНОНС.
22.05 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
23.45 АНОНС.

23.50 "Энтроф".
00.00 АНОНС.
00.05 Кўринг. Европа чемпионати.
1.50 АНОНС.
1.50 Баскетбол.
3.10 АНОНС.
3.15 Ҳажон кубоклари:
Чанги иккундураш. Чана спорти.
4.25 АНОНС.
4.30 - 5.50 Теннис АТР/ВТА турнири.

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 Х/ф "Анна Каренина"
07.35 Армиейский магазин
08.00 "Заворожье"
09.15 "Непутевые заметки"
09.30 "Посады ше дома"
10.15 "Смешарики. ПИН-код"
10.30 Фейзела
11.10 "Теория заговора"
12.00 "Александр Завитин. В отпелышадые дие любви"
12.45, 14.15 "Доктошине РРеспублики Александр Завитин"
14.00 Новости
14.45 "Черно-белое"
15.40 "Больше гоним"
17.00 Вечерние новости
17.30 Х/ф "Курьер из "Рая"
19.00 "Голстыи. Воскресенье"
20.00 Воскресенье "Время". Информационно-аналитическая программа
21.30 Х/ф "Нерассказанная история США"
22.35 Т/с "Как выйти замуж за миллионера"
00.15 Х/ф "Волчий кров".
01.45 Х/ф "Не может быть".

РОССИЯ 1

05.30 Х/ф "Тревожное воскресенье".
07.30 "Ван Россия".
07.40 "Сам себе режиссер".
08.20 "Смешанорам".
08.50 "Утренняя почта".
09.30 "Сто к одному". Телеигра.
10.20 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
11.10 "Кулинарная звезда".
12.10 Х/ф "Этикет".
14.20 Местное время. Вести-Москва.
14.30 "Смеяться разрешается".
16.25 Х/ф "Сервизные отношения".
20.00 Вести недели.
22.00 "Воскресный вечер".
23.50 Х/ф "Невеста моего жениха".
01.50 Х/ф "Ехали в травме Ивань и Петров".
03.15 Д/ф "Одна на планете. Выпел. Остров Фукуок".
04.15 "Комната смеха".

НТВ

05.00 Т/с "Дорожный патрул"
07.00, 09.00, 12.00, 15.00 Сегодня
07.15 Русское лето плюс
07.50 Хорошо там, где мы есты
08.25 Едим дома
09.20 Первая передача
10.00 Дюк техника
10.50 Доглый ответ
12.20 СОТ-2. Чемпионат России по футболу 2014/2015.
"Локомотив" - "Спартак". Прямая трансляция
14.30, 15.15 Т/с "Морские дьяволы. Смерть"
17.00 Чрезвычайное

происшествие. Обзор за неделю
18.00 Сегодня. Итоговая программа
19.10 Х/ф "На дне"
21.55 Х/ф "Поселуй в голову"
00.05 Т/с "Доказатель"
02.00 Т/с "Гониме"
04.00 Т/с "Супруги"

РОССИЯ К

06.30 "Европаос".
10.00 "В мире басен", "Чулеса в решете"
10.25, 13.25, 14.10, 14.45, 15.45, 16.20, 16.55, 17.50, 18.40, 20.30, 21.10 "Шекспиринг-15"
10.35 Х/ф "Старый Новый год"
12.50 Д/ф "Ход к зрительному залу... Высказав Невинный"
13.45 Россия, любовь моя! "Быть авариач"
14.20 Гении и злодеи.
14.55, 01.55 Д/ф "Детеныши в сетях"
16.00, 01.35 "Дом, который построил Джек", "Королевский бутерброд"
16.30 Д/с "Запечатленное время"
17.00 "Романтика романса" Марку Минкушо посвящается...
18.00 "Контекст"
18.45 "Война на высшей плане"
19.00 Х/ф "Альба Регия"
20.40 "Лев с седой бородой"
21.15 Линия жизни.
22.05 Х/ф "Полторы комнаты, или Сентиментальное путешествие от Минкушо посвящается..."
00.10 "Допное путешествие".
00.35 Фламенко Карюса Саури.
02.50 Д/ф "Навои"

СТС

04.00 Мулдастерлар.
07.00 "Лесная братва"
08.30 Шоу "Уральских пельменей", "Урал Спитенинг"
10.00 Успеть за 24 часа. Реалити-шоу. Велушич - Александр Ротов.
11.00 Шоу "Уральских пельменей", "Смешлики"
12.20 "Кунг-фу Панда".
14.00 01.10 "6 кадров"
14.30 Шоу "Уральских пельменей", "30 баба 2. Невошкеш". Часть II.
15.30 "Топ" Фантези. США, 2011 г.
17.35 Шоу "Уральских пельменей". "Весь апрель - никому"
19.05 "Топ-2. Царство тьмы" США, 2013 г.
21.10 Большое интервью
Развлекательная-интеллектуальная шоу. Велушич - Василий Уткин.
22.10 "Лесная братва"
Полнометражный анимационный фильм.
23.40 "Животный смех"
Развлекательная программа.

ТВ3

06.00, 07.45 М/ф
07.15 "Школа доктора Комаровского"
08.15 Х/ф "Руслолка"
10.00 Х/ф "Стойарт Литтл"
11.45 Х/ф "Варыз из прошлого"
13.45 Х/ф "Музык"
16.15 Х/ф "Музык возвращается"
19.00 Х/ф "Почташол"
22.30 Х/ф "Ослепленный жеманями"
00.15 Х/ф "Никки, дявол - мавшич"
02.00 Х/ф "Полтергейст"
04.15 Д/ф "Затерянные миры"
05.15 Д/ф "Затерянные миры"

Душанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.30, 02.05 X/ф "Отдел С.С.С.Р."
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Агент"
17.30, 03.55 "24 кадра"
18.00, 04.25 "Трон"
18.30 "Освободители".
Штурмовики
19.25 X/ф "Две легенды.
Двойные стандарты"
21.15, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей. КХЛ. ЦСКА-СКА (Санкт-Петербург). Прямая трансляция
00.05 "Освободители". Истребители
01.00 "Эволюция"
04.50 Хоккей. КХЛ. "Металлург" (Магнитогорск)-"Авангард" (Омская область)
07.00 X/ф "Застывшие депеши"

Сешанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.30, 02.05 X/ф "Отдел С.С.С.Р."
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Агент"
17.30 Смешанные единоборства. М-1 Challenge. Сергей Харитонов (Россия) против Кенни Гарнера (США). Прямая трансляция из Китая
20.00 Большой спорт
20.20 X/ф "Две легенды. Полная перезагрузка"
22.15 X/ф "Две легенды. По следу призрака"
00.05 "Освободители". Штурмовики
01.00 "Эволюция"
03.55 Смешанные единоборства. М-1 Challenge. Сергей Харитонов (Россия) против Кенни Гарнера (США)
05.30 "Моя рыбалка"
05.55 "Диалоги о рыбалке"
06.25 "Язь против еды"
06.55 X/ф "Застывшие депеши"

Чоршанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.20, 02.05 X/ф "Отдел С.С.С.Р."
12.10, 01.00 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Агент"
17.30 "Освободители". Истребители
18.20 "Освободители". Саперы
19.15 X/ф "Две легенды. Выстрел из прошлого"
21.00, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей. КХЛ. "Ак Барс" (Казань)-"Салават Юлаев" (Уфа). Прямая трансляция
00.05 "Освободители". Морская пехота
03.55 Профессиональный бокс. Мэни Пахью (Филиппины) против Криса Алджери (США). Бой за титул чемпиона мира по версии WBO
05.00 "Дуэль"
05.55 "Рейтинг Баженова". Могло быть хуже
06.25 "Рейтинг Баженова". Человек для опытов
06.55 X/ф "Застывшие депеши"

Пайшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.30, 02.05 X/ф "Отдел С.С.С.Р."
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Агент"
17.30 X/ф "Ярослав"
19.35, 03.50 "Полигон". Огнеметы
20.05 X/ф "Операция "Торгона"
23.45 Большой спорт
00.05 "Освободители". Саперы
01.00 "Эволюция"
04.20 "Полигон". Самоходное орудие "Нона"
04.50 Хоккей. КХЛ. "Северсталь" (Череповец)-"Торпедо" (Нижний Новгород)
06.50 X/ф "Застывшие депеши"

Жума

09.00 Панорама дня. LIVE
10.20, 01.20 X/ф "Ярослав"
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол

14.05 X/ф "Операция "Торгона"
17.30, 20.15, 01.00 Большой спорт
17.55 Хоккей. КХЛ. "Авангард" (Омская область)-"Салават Юлаев" (Уфа)
20.30 Профессиональный бокс. Руслан Проводников (Россия) против Хосе Луиса Кастильо (Мексика). Прямая трансляция
03.20 "Эволюция"
04.50 "Основной элемент". Происхождение речи
05.15 "Как оно есть".- Соль
06.10 "Наука на колесах"
06.40 "Человек мира". Венгрия
07.10 Смешанные единоборства. М-1 Challenge. Сергей Харитонов (Россия) против Кенни Гарнера (США)

Шанба

09.00 Панорама дня.
LIVE
10.15 "Диалоги о рыбалке"
10.45 "В мире животных"
11.15 "Человек мира"
11.45 X/ф "Позывной "Стая". Экспедиция"
13.45, 00.30 Большой спорт
13.50 "Задый вопрос министру"
14.30 Профессиональный бокс. Руслан Проводников (Россия) против Хосе Луиса Кастильо (Мексика)
15.30 "24 кадра"
16.00 "Трон"
16.30 "Наука на колесах"
17.00 "Непростые вещи". Автомобиль
17.30 X/ф "Операция "Торгона"
21.05 X/ф "Охота на пиранию"
00.50 "Дуэль"
01.55 Фигурное катание. Гран-при Японии
04.15 "За гранью". Погода на заказ
04.45 "Основной элемент"

05.10 "За кадром". Тува
06.05 "Максимальное приближение". Латвия
06.30 "Максимальное приближение". Макао
07.00 Профессиональный бокс. Евгений Гладович (Россия) против Джейсона Велеса (Пуэрто-Рико). Бой за титул чемпиона мира по версии IBF. Теренс Кроуфорд (США) против Раймундо Бельтрана (Мексика)

Якшанба

09.30 Панорама дня.
LIVE
10.35 "Моя рыбалка"
11.20 "Язь против еды"
11.50 X/ф "Позывной "Стая". Возвращение в прошлое"
13.45, 18.30 Большой спорт
14.05 "Полигон". Зенитно-ракетный комплекс "Тор". Рождение
14.35 "Полигон". Дикая кошка
15.05 X/ф "Охота на пиранию"
18.45 "Биатлон с Дмитрием Губерниевым"
19.20 Биатлон. Кубок мира. Смешанная эстафета. Прямая трансляция из Швеции
20.50 X/ф "След Пирания"
00.25 Биатлон. Кубок мира. Смешанная эстафета. Трансляция из Швеции
02.00 Большой футбол
02.50 Профессиональный бокс. Евгений Гладович (Россия) против Джейсона Велеса (Пуэрто-Рико). Бой за титул чемпиона мира по версии IBF
04.30 Баскетбол. Единая лига ВТБ. "Зенит" (Санкт-Петербург)-ЦСКА
06.15 Фигурное катание. Гран-при Японии
07.20 X/ф "Тайная стража. Смертельные игры"

Тошга ўйилган нақш

ёки бугунги ёшларнинг китоб мутолаасига муносабати

“Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақшдир”, деган пурмаёна нақш бор. Бу нақшнинг тереги маъносини англаган ҳозирги глобаллашган аср фуқароси, ўзини маънавиятли, маданиятли замон кишиси деб ҳисобласа, юқорида таъкидланган нақшнинг мазмун-моҳияти биз фикр юритаётган мавзу кутубхона ва АРМлардаги китоблар ва электрон ресурсларга чамбарчас боғлиқ эканлигини яхши тушунади, албатта.

Биз каби талаба ёшларни ҳамда ётишиб келаётган баркамол авлодни маънавиятли, юксак салоҳиятли қилиб ўстиришда кутубхона ва АРМларнинг ўрни жуда каттадир. Орамизда шундай ёшлар борки, улар юртимиз шаънини жаҳон афкор омаси олдидан намойиш қилиб, ажодларимизга муносиб авлод бўлаётгани қалбда Ватан ҳисси жўш урган ҳар бир инсонни гурурлантиради. Лекин, “Гуруч курмакисиз бўлмайдди”, деганларидек, айрим ёшларнинг китоб мутолаасига муносабатларини кўриб кишида ачиниш ҳисси пайдо бўлади. Бу билан мен ҳозирги ёшлар кутубхонага бормайди, деган фикрдан мутлақо йироқман. Фақат гап шундаки, ҳозирги ўқувчи ва талаба ёшлар устоз-мураббийлар томонидан кунлик топшириқлар ва вазифаларни бажариш учунгина мажбурий тарзда кутубхона ва АРМларга бораётганлиги мулоҳаза юритишга мажбур этади. Нега энди кутубхоналарга фақат “керак” бўлгандагина, дунёвий ва замонавий билимларни шунчаки ўрганиш учунгина бориш керак?!

Яна бир тан олишимиз лозим бўлган



ҳақиқат борки, айрим ёшлар китоб ўқишга ва кутубхоналарга боришга вақтим йўқ, дейдию ҳар куни интернет-клубларга боришга вақт топади. Бу ҳам ўйлаб кўришга арзигулик муаммолардан биридир. Ҳозирги кунда кутубхона ва АРМлар замонавийлаштирилиб, китоблар ва ҳужжатларнинг электрон тизими яратилаётганлиги кенг имкониятлар яратиб беради, аммо кутубхона ва АРМлар интернетга боғланган, корпоратив тизим интернет орқали ишлайди, биз ҳам жозибали рекламалар тасвирини бошқа сайт ва тармоқларга беихтиёр кириб қоляпмиз, бунда биз айбдор эмасмиз, деб фикрлайдиган ёшлар ҳам бор.

Китоб ва электрон ресурсларнинг ўрни ҳақида тўхталадиган бўлсак, ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ўтказилган тадқиқотларда

электрон китобдан олинган маълумотдан кўра қоғоз китобдан ўқилган маълумот хотирада мустақкам сақланади ва нутқий қобилиятни шакллантиришга ёрдам беради, соғлиққа ҳам ҳеч қандай жиддий зиён етказмайди, шунингдек, китобни ўқиган сари ундан такрорланмас завқ олинади, дея эътироф этилди. Энди электрон китоб ҳақида: Хитойда 2010 йили ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, электрон китоб ва электрон ресурслардан фойдаланувчилар вақтдан унумли фойдаланишини, яъни кам вақт ва кам маблағ эвазига кўп маълумот олиш имконига эга бўлишини, ёш болаларда заковатлилик қобилиятини тез ривожлантиришга ёрдам беришини, жамоатчилик ишларида иштироки нисбатан юқори, доимо юксак марраларни ва шахсий ишни яратиш қобилияти-

га эга раҳбар инсонларни шакллантириб беришини таъкидлаб ўтишди. Ўз ўрнида, салбий жиҳатларига ҳам эътиборни қаратишди, яъни кунига белгиланган меъёрдан кўп миқдорда электрон ресурслардан фойдаланган фойдаланувчи кўз, асаб касалликларига чалиниши, олинган маълумот хотирадан тез ўчиб кетиши, атрофдагиларга нисбатан меҳр ҳиссининг камайишини тадқиқот натижалари кўрсатди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, қоғоз китоб ва электрон китобдан ўз ўрнида фойдаланилса ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан фойда олинишини юқоридаги асосланган маълумотлар тасдиқлаб турибди.

Маънавият маскани — кутубхона ва АРМларга ёшларнинг муносабати менинг назаримда ҳар биримиз учун долзарб мавзулардан биридир. Хулоса тарзида мавзу доирасида ўз тақлифларимни киритмоқчиман: таълим тизимида фаолият олиб бораётган мутахассислар ёшларни кутубхона ва АРМларга йўналтириш борасида янгича дастурлар ишлаб чиқиши керак. Кутубхона ва АРМларда фаолият олиб бораётган мутахассис кадрлар ёшларни жалб қиладиган мунозарали мавзуларда конференциялар ташкил этишлари, китоб ва электрон ресурсларни тарғиб қилишда доим фаол қатнашишига ёрдам берувчи дастур ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва кенг оммага таништириш, интернетда кутубхона ва АРМлардаги ишчи-ҳодимларнинг китоб ва электрон китоб борасидаги билимларини юксалтиришнинг ўрни беқўбўлигини ифодаловчи кўргазмалар чиқишларни ташкиллаштириш лозим.

Йўлчи РЎЗИЕВ,
ТАТУ 4-босқич талабаси

Марғилон зиёкорлари

Ўқувчи ёшларда китобга меҳрни шакллантиришда тарғибот ишлари ва бу иш билан машғул ахборот-ресурс марказларининг ўрни катта

Марғилон шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги 7-мактабда жойлашган шаҳар ахборот-ресурс марказига 2006 йили асос солинган. Эътиборли томони, марказ ходимлари ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари билан ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳозирда марказ 26 нашрдаги газета ва журналларга обуна бўлган. 2015 йил учун мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида айна кунда оммавий ахборот воситаларига обуна қизгин олиб борилапти. Бу ишда Наргиза Ҳусанова, Дилфуза Абдуллаева, Феруза Фаттохова, Саодат Комилова сингари ўқитувчилар фаол. Марказ китоб фонди 3150тани ташкил этади.

Марказ ходимлари томонидан “Китобим — офтобим”, “Бир фарзандга уч китоб” акцияси, “Мактаб - кутубхона - оила - жамоат ташкилотлари” хайрия тадбирлари, “Энг яхши китобхон ўқувчи”, “Энг яхши китобхон оила”, “Китобхон мактаб” кўрик-танловлари ахборот-ресурс мар-

кази ҳамда шаҳардаги 32та мактаб кутубхоналарида мунтазам ўтказиб келинмоқда. Яқинда ўтказилган “Энг фаол китобхон ўқувчи” кўрик-танловининг шаҳар bosқичида 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муҳаммадмусо Иброҳимов биринчи ўринни эгаллаб, вилоят bosқичига йўлланмани қўлга киритди ва вилоят bosқичида учинчи ўринга лойиқ топилиб, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, АРМ 7-мактаб билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказди. Чунотчи, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб “Унутмоқ осонмас бизларни”, мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга баҳишда, гўзал Ўзбекистоним!”, юқори синф ўқувчилари ўртасида “Президент асарларини ўрганишда давом этамиз”, “Соғлом бола йили” каби кўплаб маънавий тадбирлар ўтказилди.

— Марказда юқори синф ўқувчилари учун

“Мен соғлом турмуш тарзини танлайман, сен-чи?” мавзусидаги электрон слайд ёрдамида суҳбатлар ўтказдик, — дейди ахборот-ресурс маркази раҳбари Мубораххон Узоқова. — Бошланғич синф китобхонлари ўзлари ўқиган китоблардан ҳикоялар, эртақлар, топишмоқлар, тез айтишларни сўзлаб беришди. Ушбу тадбирларда ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ота-оналар қатнашишди.

АРМнинг шаҳардаги 1, 8, 13, 15, 20-мактабларда бешта таянч ахборот-ресурс маркази мавжуд бўлиб, улар билан АРМ ходимлари доим мустақкам алоқада.

АРМнинг Наргиза Маҳмудова, Нигора Қоплонова, Дилдора Ваҳобова, Жавҳар Муҳитдинов, Мавлуда Аҳмедова, Дилфуза Назарова, Соҳиба Абдуллаева, Зуҳра Каримова, Сайёра Давлатова, Мафтуна Бердиназарова каби ходимлари марказ фаолиятини юқори поғонага кўтариш мақсадида бутун куч ва ғайратларини сарфлашапти.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ва
барча алоқачиларни
яқинлашаётган

Конституция куни
билан муборакбод этади.



**Озодлик байроғимиз
мангу ҳилпирайверсин!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

БУХОРО ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Бахтимиз қомуси —
Конституциямизнинг
22 йиллиги муносабати билан
барчага энг эзгу тилакларини
изҳор этади.



АТ “МИКРОКРЕДИТБАНК”

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Конституциямизнинг
22 йиллиги билан
юртдошларимизни
муборакбод
этади.



Юртимиз тинчлигига кўз тегмасин!

НАМАНГАН ПАХТА САНОАТ ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Халқимизни ва
барча алоқа ходимларини
8 декабр — Конституция
куни билан
табриклайди.



Азиз юртдошлар!
Сизларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ,
оилавий хотиржамлик тилаймиз!

BOLA VA KOMPUTER



ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН НОУТБУК



ёки тўғри танлов учун кичик маслаҳат

Бундан 10 йиллар олдин фарзандларимиз учун компютер сотиб олиш анча харажат талаб этар ва қўлчилик уни сотиб олишга пул сарфлагиси келмас эди. Ҳозир эса у аксарият қонадонларда оддий маъиший техникалар қаторидан ўрин олган. Ҳатто, замонавий таълимнинг ўзи олти-етти ёшли боланинг компютердан кўра ҳақиқий ноутбукка (ўйинчоқлар эмас!) эга бўлишини маъқул кўрмоқда. Шу бемис бошланғич синф ота-оналари ушбу техника мўъжизасини сотиб олишга ҳам молиявий томондан, ҳам компютер саводхоналиги жиҳатидан олдиндан тайёр бўлиши бугунги кунда жуда муҳимдир. Ҳўш, фарзандларимиз учун қулай ва мос компютерни қандай танлаш мўмкин?

мавжуд. Бу модел нисбатан арзон бўлиб, техник қурилмалари тавсифи ўқиш, ўйин ўйнаш ва бошқа турли амаллар бажариш учун жуда мосдир. Интернет сайтларидаги шу каби ноутбуклар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш, бошқа фойдаланувчиларнинг малакаси ва фикрлари ҳам тўғри танловни амалга оширишда сизга катта ёрдам беради.

● НЕТБУК ЁКИ НОУТБУК?

Аввало, ноутбук сотиб олишдан олдин унинг фарзандингиз учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини назарда тутишингиз керак. Агар ноутбук унинг мактабдаги фанларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлса, сотиб олиш чоғида қурилманинг имкон қадар енгил вазндасини танланг. Компютернинг ушбу варианты нафақат унча катта бўлмаган ўлчами ҳамда оғирлиги билан, балки кичкина тугмачали клавиатураси билан ҳам болажонларга жуда қулайдир. Айнан ушбу қурилма ўн ёшгача бўлган болалар учун айна мақбул счим бўла олади.

● ПАРАМЕТРЛАРИ: Ноутбукни сотиб олиш жараёнида, келажакдаги тараққиётни ҳам ҳисобга олган ҳолда, унча қиммат бўлмаган, лекин бутунлай маъқул келадиган, яъни икки ядроли, дисплей ҳажми 14 дюймли, катта винчестер ва 2 гигабайт хотиралисини танлашни таклиф қилган бўлардик.

Бу каби ноутбукда фарзандингиз телевизион дастурлар ва DVD-филмлар кўриш, график ва матнли ҳужжатлар билан ишлаш, расм чизиш, мултфилмлар ва эртақлар юклаб олиш, ақлни пешловчи ўйинлар ўйнаш, шунингдек, енгилроқ дастурлар ишлаб чиқиш имконига эга бўлади. Масалан, Асег ноутбукида шундай қулайликлар

● ДИСПЛЕЙИ: Ноутбук танлашда унинг дисплейига алоҳида эътибор қаратинг. Ялтирамайдиган экран плазмали вариантга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Масалан, бундай экран билан исталган ёруғликда ишлаш қулай бўлиб, боланинг кўзини кучли чарчоқдан ҳимоя қилади.

● АМАЛИЙ ТИЗИМИ: Фарзандингиз компютери учун Windows XP амалий тизимини танлашни маслаҳат берамиз. Ушбу тизим анча эскирганига қарамай, болалар компютери учун шунчалик ишончли ва бенуқсон, қолаверса, таълим тизими муассасаларининг аксарияти Windows 7 ва 8 ёки Windows Vista тизимига мослаштирилмаган.

● КЛАВИАТУРАСИ: Компютер клавиатураси бола учун жуда қулай бўлиши керак. Кириллча ва лотинча белгилар ранги турлича бўлгани маъқул, клавишлардаги ҳарфлар эса яққол кўзга кўринарли бўлсин.

● АКУСТИКАСИ: Ноутбук аъло даражадаги акустик тавсифларга эга бўлиши лозим. Юқори сифатли овоз, аудиодастурлар воситасида хорижий тилларни ўрганиш чоғида, боланинг эшитиш қобилиятини зўриқтирмайди.

● USB ПОРТЛАРИ: USB портлар сони ҳам муҳим ҳисобланади. Ноутбук учун сичқонча, веб-камера, флешка ва бошқа қўшимча қурилмалар қанчалик зарур бўлса, компютерга алоҳида уланиш чоғида ҳам улар жуда асқотади.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

QILMISH — QIDIRMISH

ЯХШИ ОТГА БИР ҚАМЧИ

Департамент ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир Учтепа тумани "Қовчи" қўчасида қонунга хилоф тарзда раста ташкил этиб, у ерда ҳеч қандай ҳужжатларсиз кўп миқдордаги аудиовизуал асарлар ёзилган дискларни савдога қўйган фуқаро Элмурод Баҳромовнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйди.

Текширув давомида қонунбузардан умумий нархи 510 минг сўмлик 204 дона турли мазмундаги кино, клип ва ҳужжатли филмлар ёзилган DVD ва CD дисклар ҳамда уларнинг савдосидан тушган пул маблағлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шундан сўнг суриштирув ишлари олиб борилиб, дискфурушнинг ушбу фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлигига доир иш жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судида кўриб чиқилди. Суднинг 2014 йил 6 феврал кунги қарорига асосан фуқаро Э.Баҳромов Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 165 ҳамда 167-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган деб топилди, жазога тортилди.

Шундай бўлса-да, қилмишидан пушаймон бўлиш ўрнига шу йилнинг апрел ойидан яна эски ҳунарини бошлаган Элмурод 2 май кунин Учтепа туманидаги автобуслар тўхташ жойида қўлга тушди. Бу сафар қонунбузар жами 933 минг сўмлик 311 дона дискни сотиш учун олиб чиққан эди. "Яхши отга бир қамчи...", деб шунга айтишса керакда...

Мурод ШУКРУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК департаменти
Тошкент шаҳар Учтепа туман
бўлими катта инспектори

Эълон

Тошкент ахборот
технологиялари
университети қўйидаги
лавозимларга танлов
Эълон қилади:

Доцент:
Менежмент ва маркетинг — 1.
Катта ўқитувчилар:
Физика — 1, Гуманитар фанлар — 1,
Ахборот технологиялари — 1,
Почта алоқаси технологиялари — 1,
Информатика асослари — 1, Ўзбек
ва рус тиллари — 1, Жисмоний
тарбия — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Олий математика — 2, Алгоритм-
лаш ва математик моделлашти-
риш — 1, Ахборот-таълим техноло-
гиялари — 1, Чет тиллари — 2, Мул-
тимедиа технологиялари — 1, Оптик
толали линиялар ва ўлчов тизимла-
ри — 1, Ахборот технологиялари да-
стурий таъминоти — 1, Телекомму-
никация инжиниринг — 1, Инфор-
матика асослари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан
бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Танловда кўрсатишган лавозимлар
бўйича фан докторлари, доцентлар,
фан номзодлари ва соҳанинг етуқ му-
тахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур
қўчаси, 108-ўй. Телефон: 238-64-06.

Жамиятимиз тараққий-ти, юртимиз равнақида почта ходимларининг муносиб улушлари бор. Андижон вилояти Олтинкўл тумани почта алоқаси тармоғи жамоваси 165 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Хусусан, 43 минг 528 хонадонга газета ва журналлар ўз вақтида етказиб бериляпти. Тармоқда қарашли 15та алоқа бўлимида ишлар бир мезърда олиб бориляпти.

Алоқа тармоқларида ҳужжатлар яхшилаб тартибга келтирилган, келувчиларга тез ва сифатли хизмат йўлга қўйилган.

Туман почтачилари томонидан аҳолига 20 турдаги хизмат кўрсатиляпти. "Аълам" алоқа бўлими бошлиғи Насибахон Эгамбердиева эл олқишини олаётганлардан. Бўлимда нафақа пуллари ўз вақтида тарқатилиб, коммунал тўловлар йигим режаси вақтида бажарилмоқда.

Туманда яшовчи 13 мингдан зиёд пенсионерга хиз-



Суратда: Олтинкўл туман почта алоқаси тармоғининг Сувиюлдуз алоқа бўлими бошлиғи Қахрамон МАМАЖОНОВ обуначилар билан мулоқотда.

Мамнунлик



Суратда: Олтинкўл ПАТ Оқтепа алоқа бўлими хабарчиси Нўмонжон МАМАЖОНОВ пенсионерлар хузурда.

мат кўрсатишида "Мадиярчек" алоқа бўлимидан Низомиддин Сатторов, Қўштепасарой алоқа бўлимидан Ойбек Омонов, "Маслаҳат" почта алоқа бўлимидан Фарҳоджон Абдураҳимовларнинг хизматлари катта. Обуна бўлими йўриқчиси Муҳаббатхон Исломова — ўз касбининг устаси.

Сараловчи Дилнаво Эргашева, Хушдила Ҳақимова, йўриқчи ва пул жўнатмалари оператори Малоҳат Йўлчиева, маюсия бўлими йўриқчиси Ҳаётбек Асронов ҳамда Қахрамонжон Мамажоновлар почта ишини яхшилаш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

"Оқтепа" алоқа бўлими бошлиғи Орифжон Арслонов 30 йилдан ортиқ шу соҳада хизмат қиляпти. Бу алоқа бўлимига бешта маҳалла жамланган. Хабарчи Нўмонжон Мамажонов 1400дан ортиқ пенсионерга нафақа пуллари вақтида етказиб бермоқда.

Тўраҳон ҒОФУРОВ,
журналист



Суратда: Олтинкўл ПАТ электрон пул жўнатмалари оператори Хушдилаҳон ҲАКИМОВА иш устида.

DIL IZHORI

Отажоним, меҳрибоним!

Мен "Ўзбекистон почтаси" АЖ Хоразм филиали Ҳазорасп почта алоқаси тармоғида 2006 йилдан буён обуна оператори вазифасида ишлаб келяпман. Почта соҳасига киришимга сабабчи бўлган инсон соҳада кўп йиллар ҳалол меҳнат қилаётган отажоним — Ҳазорасп почта алоқаси тармоғи Жангиота алоқа бўлими бошлиғи Мадрим Абдиримовдир. Отажоним яқинда таваллуд айёмини нишонлади.

Отажоним, меҳрибоним, сиз онамиз бахтисиз. Биз фарзандлар ҳаммиша соғ-саломат юриб, неваралар бахтини кўриб, онажоним билан кўша қариншингизни Аллоҳдан сўраб қоламиз. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг!

Хурида АБДИРИМОВА

Табриклаймиз!

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоваси "Алгоритмлаш ва математик моделлаштириш" кафедраси доценти ААБДУВАЙТОВИ 62 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўриб юришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарь филиали жамоваси Бешкент телекоммуникациялар бозамаси оператор-кассирси Хусния НУРМАТОВА 50 ёши билан табриқлайди. Унга узоқ умр, танисхатлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали жамоваси Янгиқўрган ПАТ ходими Иброҳимжон ДАРВИШЕВИ 55 ёши, Равон ва Қўқон ПАТ ходимлари Орифжон ЭРГАШЕВ ҳамда Салимжон МАДУМАРОВА 50 ёшлари билан самимий табриқлайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришларини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоваси Марғилон ШТБ ходими Бахтиёржон КАЗАКОВИ 60 ёши, Фарғона ШТБ ходимлари Елена ПАРШИНА, Ҳанифахон РЎЗИЕВА ва Қўқон ШТБ ходими Қаноатхон РАҲИМБЕРДИЕВА 50 ёшлари билан чин ошдан кутлайди. Уларга энг эзгу тилақларини йўлайди.

Навоий вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоваси ва бошланғич касба уюшмаси кўмитаси марказининг хужжатларини сақлаш бўлими мудири Лола АБДУЛЛАЕВА 50 ёши билан самимий муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, фарзандлари камолини кўриб юришини тилайди.

Кўчмас мулк ижараси

Ижарага берувчининг ижарага олувчи билан муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат ижара шартномаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК) 537-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ушбу моддада қайд этилган ижара объектларидан ташқари, бошқа истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳам ижара объекти бўлиши мумкин. Кўп мартаба фойдаланишга мўлжалланган, бунда ўзининг дастлабки кўринишини узоқ вақт давомида сақлаб қолувчи ва аста-секин яроқсиз қолга келувчи ашёлар истеъмол қилинмайдиган ашёлар деб тан олинади (маиший техника, мебел ва бошқалар).

ФКнинг 539-моддасига кўра, ижара шартномаси бир йилдан ортиқ муддатта мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. ФК 539-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурий. Бир йилдан кам муддатта тузилган бино ва иншоотларнинг ижара шартномалари бу қоидалардан истисно ҳисобланади.

Кўчмас мулк ижараси шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Кўчмас мулк ижараси шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик ФКнинг 112-моддасига асосан унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

ФКнинг 540-моддасига кўра, мулк ижараси шартномаси бўйича умумий қоида тартибидан ижара муддатини белгилаш ҳуқуқи тарафларнинг ўзларига берилган бўлиб, бунда ижара муддати муҳим шарт ҳисобланмайди. Агар қонун билан айрим турдаги мулк ижараси шартномалари учун энг кўп (охирги) муддат белгиланган ва шартнома белгиланган ушбу охириги муддатдан ортиқ муддатта тузилган бўлса, бундай шартнома белгиланган охириги муддатта тенг муддатта тузилган ҳисобланади.

Агар қонун билан айрим турдаги мулк ижараси шартномалари учун энг кам (чекланган) муддат белгиланган, шартнома эса белгиланган ушбу энг кам муддатдан кам муддатта тузилган бўлса, бундай шартнома ФКнинг 116-моддасига кўра, ўз-ўзидан, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Мулк ижараси шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, шу сабабли ижарага олувчининг асосий мажбуриятларидан бири мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни, яъни ижара ҳақини ўз вақтида тўлашдир. Ижара ҳақини тўлаш муддатлари тарафлар томонидан белгиланади ва шартномада кўрсатилади.

Номуайян муддатта тузилган бино ва иншоотни ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди. Бироқ, назарда тутиш лозимки, бир йилдан кам муддатта тузилган бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этса, бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Фуқаролик кодекси 575-моддасининг биринчи қисмига кўра, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига бундай кўчмас мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини топшириш билан бир вақтда ер участкасининг ана шу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Шаҳло КЎЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани
1-давлат нотариал идораси нотариуси

Пойтахтимизда оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва Осиё кубоги бошланди

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада Африка ва Осиё қитъасининг 20 давлатидан 300 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун баҳслашмоқда.

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида 19 ноябр куни мазкур мусобақаларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Осиё оғир атлетика федерацияси бош котиби Али Моради ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш юксак босқичга кўтарилгани, ёш спортчиларни катта мусобақаларга тайёрлашнинг уч босқичли узлуксиз тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт ўйинлари ўғил-қизларимизнинг иродаси кучли, жисмонан ва маънан соғлом авлод бўлиб шаклланишига хизмат қилаётганини таъкидлади. Ушбу мусобақаларда тобланган спортчиларимиз Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

Оғир атлетика бўйича жаҳон чем-



пиони Руслан Нурудинов эришяётган натижалар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётди. Спортчимиз жорий йилнинг 7-16 ноябр кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида юқори натижага эришиб, ўз шахсий рекордини ҳам янгилади.

Жорий йилги чемпионатда спортчимиз Уллубек Алимов силтаб кўтариш мусобақасида 213 килограмм натижани қайд этиб, терма жамоамиз ҳисобига яна бир кумуш медал-

ни келтирди.

Мусобақада эркалар терма жамоамиз 1 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медални қўлга киритиб, 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига 5та йўлланма олди. Аёллар терма жамоамиз 3 йўлланмага эга бўлди.

Тошкент шаҳрида бошланган оғир атлетика бўйича I Афро-Осиё чемпионати ва 3-Осиё кубогидан кўзланган мақсад ёш атлетларимизни 2016 йилги ёзги Олимпиадага босқичма-босқич тайёрлашдан иборат.

Соҳил ўйинлари

Полвонларимизда ОЛТИН

Таиланднинг Пхукет шаҳрида давом этаётган Осиё соҳил ўйинларининг навбатдаги кунда Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари иккита олтин медални қўлга киритди.

Нуфузли мусобақада қитъанинг 36 давлати вакиллари спортнинг 28 тури бўйича баҳслашмоқда. Кураш бўйича 73 килограммгача вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Давлат Абраев ироқлик Жасим Хамид, Хитой Тайпей вакили Чанг-Чин Чуанг ва эронлик Ҳоли Фанимийни маълумиятга учратиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. 81 килограммгача вазн тоифасида қатнашган Сардор Тўхташев финалда эронлик рақиби Аҳмад Салимини енгиб, олтин медал соҳиби бўлди.

Айни пайтда делегациямиз аъзолари ҳисобидан 2 олтин, 5 бронза медали бор.

Пауэрлифтинг

Ғолиблар аниқланди

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида пауэрлифтинг бўйича эркалар ва аёллар ўртасида мамлакат кубоги бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва муросасиз кечган баҳсларда 100га яқин спортчи ўзаро куч синашди. Мусобақада илк бор паралимпиячилар ҳам иштирок этди.

Эркалар ўртасида Сайдулло Ғайбуллаев ва Ислам Эргашев ўз вазн тоифасида ғолиб чиққан бўлса, аёллар ўртасидаги беллашувларда Элмира Рамилёва ва Султания Усеиновага тенг келадигани топилмади.

Паралимпиячилар ўртасидаги баҳсларда Роза Кўзиева, Баҳром Қобилов ва Аҳрор Бозоров ғолиблар сафидан ўрин олди.

Таэквондо

Терма жамоамиз "Париж Олен" турнирида иштирок этади

22-23 ноябр кунлари Франция пойтахти Париж шаҳрида таэквондо WTF бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтади. Олимпия ўйинлари оиласига мансуб бўлган таэквондонинг ушбу йўналишидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам "Париж Олен" турнирида илк бор иштирок этади.

Турнирда юртимиз шарафини ака-ука Максим ва Никита Рафалович, Дмитрий Шокин, Мирзонозим Шаропов, Жасур Бойқўзиев, Наталия Маматова, Умида Абдуллаева, Дилобар Сайдуллаева ҳимоя қилади.

Шахмат

Жаҳон тожи учун кураш

Россиянинг Сочи шаҳрида давом этаётган жаҳон шахмат тожи учун матчада 8-партия ўйналди. Бу сафар амалдаги жаҳон чемпиони норвегиялик Магнус Карлсен даъвогар гроссмейстер — ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан 41-юришдан сўнг дурангга рози бўлди. Ҳозирча Карлсен 4,5:3,5 ҳисобида олдинда борапти.



Теннис

Сабина чорак финалга чиқди

Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида теннис бўйича соврин жамғармаси 50 минг АҚШ долларидан иборат турнир давом этапти. Мусобақада ҳамюртимиз Сабина Шарипова ҳам муваффақиятли қатнашапти.

Турнирда 6-рақам остида таснифланган Шарипова асосий турнинг иккинчи даврасида хитойлик Жиа-Жинг Луга қарши қортга чиқди ва рақибасини 3:6, 6:4, 7:6(2) ҳисобида мағлуб этди. Энди Сабина чорак финалда мусобақанинг иккинчи раундига — украиналик Анастасия Васильева билан ҳисоб-китоб қилади.

E'LON

ООО "САМИНТЕКОМ" ОКАЗЫВАЕТ СЛЕДУЮЩИЕ УСЛУГИ:

■ Установка автомобильного газобаллонного оборудования европейского качества IV поколения (EPICA, CAPTIVA, LACETTI, COBALT, NEXIA II, ISUZU всех модификаций).

■ Техническое обслуживание и выдача свидетельств для регистрации в ДПС.

Оплата по перечислению и пластиковой карточкой.
Только у нас самые низкие цены. Экономьте свои деньги.

г. Самарканд.
Тел: +99893 333-04-26; +99893 333-04-35.

Свидетельство №04558

Ўтганларнинг охири ошди бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг марказий аппарати ходими Ирайда Меленкова онаси
Мария БЕЗУШКИНАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси меҳнат фахрийси Абдувоҳид Жўрабоевга онаси
Ҳалимаҳон аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали жамоаси қорхона фахрийси Абдувоҳид Жўрабоевга онаси
Ҳалимаҳон ҳожи онанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

КРОССВОРД




ЭНИГА:

1. "...-Ромео" — авто. 5. "Жигули". 7. Швейцариядаги шаҳар. 8. Тўғри ёзиш. 9. Гулдон. 10. Автомобил двигателядаги мослама. 15. Европа буйволи. 17. Мева. 19. Яхна ичимлик. 21. Бурж. 22. Кўчманчилар уйи. 23. Швед футбол клуби. 25. Рус автоси. 26. "... ва Зара" (ҳинд фильми). 28. Италиядаги дарё. 29. Йошкар-... (Россиядаги шаҳар). 30. Конфет тури. 31. Футболда тўпнинг майдондан чиқиб кетиши. 32. Валюта.

БЎЙИГА

2. Жанубий Америка "туя"-си. 3. Хонаки гул. 4. Осиёдаги давлат пойтахти. 5. Дафна. 6. Тиббий ўлчов. 11. Тиканли жонивор. 12. Само. 13. Ёши улуғ, муътабар киши (шева). 14. Чопқи, дасткалла (чет элларда). 16. Ярим, чала. 18. Хорижий спорт товарлари компанияси. 20. Рим императори номи билан аталувчи ой. 23. Кимёвий модда. 24. Яхна ичимлик. 25. Орол (Ҳиндистон). 27. "Абадий шаҳар".



Тузувчи: С.ТЕМИРОВ

Сўранг,
жавоб берамиз

КАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАМ БЎЛАДИ?

— Баъзи сабабларга кўра, уч йил муқаддам турмуш ўртоғим билан расмий ажрашганмиз. Суд қарорига асосан ўн ёшли ўғлим ҳозирда онаси билан яшайпти. Фарзандимни моддий таъминлаб келяман. Лекин собиқ хотиним ўғлим билан кўришиб туришимга йўл қўймапти. Айтингчи, унинг бунга ҳаққи борми? Бундай ҳолатда қандай йўл тутишим керак?

Шавкат ХАЙДАРОВ,
Тошкент шахри

— Боладан алоҳида яшаётган ота (она) боласи билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиш масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг ота (она)си билан кўришишига, агар бундай кўришиш боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса қаршилиқ қилмаслиги керак. Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-онанинг бирининг талабига биноан суд томонидан вазийлик ва ҳомийлик органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда, айбдор ота-онанинг нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади.

Шунингдек, боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва бошқа шунга ўхшаш муассасалардан ўз боласи тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга. Ота (она) томонидан боланинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар бўлгандагина, уларга ахборот бериш рад этилиши мумкин.

Мунаввар САЙДАЛОВА,
Куйичирчиқ туман ФХД
бўлими mudiri

BRENDOMANIYA



Ubuntu. Debian GNU/Linux асосида ишлаб чиқилган компьютер амалий тизими номи ("Ubuntu" зулу тилидан ўтирилганда "инсонийлик" маъносини беради). Бу ном мазмун-моҳияти билан Жанубий Африка фалсафасини ифодалаб, кишилар ўртасида эзгуликни тарғиб қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам логотипда бири-бири билан қўл ушлашиб, осмонга қараб турган уч инсон тимсоли акс эттирилган.

FOYDALI MASLAHATLAR

АНТИБИОТИКЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

■ Антибиотиклар кучли таъсир этувчи препаратлар саналиб, уларни шифокор тавсиясиз қабул қилиш мумкин эмас. Антибиотикларни тартибсиз қабул қилиш натижасида, масалан, бир кун ичиб, эртасига эсдан чиқарилса, бактериялар тезда уларга қарши чидамлик хусусиятига эга модда ишлаб чиқаради. Натижада ичаётган дорингиз ўз ижобий таъсирини йўқотади.

■ Антибиотикларни мунтазам қабул қилиш ошқозон микрофлорасини нобуд қилади, бу эса ошқозон-қорин соҳасидаги ўзгаришлар — дисбактериозни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабаб антибиотиклар қабул қилишда эҳтиёт бўлинг.

BILASIZMI?

■ Apple бренди дастлабки ўттиз йилда Apple компьютерлари деб аталган. 2007 йилнинг 9 январидан бошлаб эса янги технологиялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва Apple корпорацияси номини олган.

■ Энг банд байрам арчаси 1957 йили Сизтлда ўрнатилган, унинг баландлиги 66 метр бўлган.

■ Оқ айиқ териси икки қават: биринчи қават ҳароратни сақлайди; иккинчи қават сувдан ҳимоя қилади.

■ Акулалар 400 миллион йил аввал, динозаврлар эса 200 миллион йил аввал пайдо бўлган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алшар ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлжама ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлигини мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғриллигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1165 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 10125 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда

Бухорода

Гулistonда

Жиззахда

(94) 199-95-64

Навоида

225-91-10

Нукусда

554-35-45

Самарқандда

230-64-80

Термзда

(91)235-88-68

Тошкентда

288-40-66

Урганчда

(90) 713-21-40

Фарғонада

244-18-05

Қаршида

(93)931-08-99